ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 27 декабр, чоршанба № 206 (2255)

**Ушбу сонда:**

2 КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

3 ҚУРБОН ҲАЙИТИ ВА ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ

4 Муҳокама учун мавзу КИМ АЙБДОР?

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:***

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1,2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) 2007 йилнинг 5 январигача «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларининг бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабр

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон Фармонига 1-илова**

## «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони тўғрисида

## НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони билан давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилишига муҳим ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки яраланган ва шикастланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан қўшилма командири ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони вазирликлар ҳамда мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари идоралари раҳбарларининг буйруқлари асосида мукофотланганларга топширилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон Фармонига 2-илова**

## «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микронгача қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида балқиб чиқаётган қуёш фонида Ҳумо қуши акс эттирилган. Ҳумо қушининг тагида саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг ўртасида кесишаётган икки қилич билан қалқон (Амир Темурнинг ҳарбий аслаҳалари) тасвирланган. Нишоннинг юқори қисмида доира бўйлаб «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 15 yil» ёзуви мавжуд. Нишоннинг пастки қисмида тасвирланган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига асос солинган йил ва юбилей санасини англатувчи 1992-2007 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли мовий-ҳаворанг шойи тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўл билан ҳошияланган. Тасма ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл ўтган.

Тасвирлар ва ёзув қаварикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари бўртиқ ҳошияланган.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида

***Жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган оммавий болалар спортини кенг ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошира бориш, шунингдек болалар спорт комплексларини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида:***

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2007 йилги даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан "Даврхитектқурилиш" қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш аниқ манзилли дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

республика ҳамда ҳудудий ташкилотлар ва корхоналарнинг, шунингдек хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ихтиёрий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ташаббуси 4-6-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилган, болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун 2007 йилда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари ва ускуналари рўйхати 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига:

2007 йилнинг 20 январигача пудрат ташкилотларининг моддий-техника базаси, иш тажрибаси мавжудлиги ва молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича тендер савдоларини якунлаш;

болалар спорти объектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда намунавий лойиҳаларга, шунингдек тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий амал қилиш;

болалар спорти объектларини ихтиёрий равишда ҳомийлар ҳисобидан ташаббускорлик билан ва назоратсиз қуриш оқибатида белгиланган стандартларга амал қилмаслик ва мазкур объектлардан фойдаланиш меъёрларини бузиш ҳолларига олиб келувчи фактларга йўл қўймасликда шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 2007 йилда ишга тушириладиган болалар спорт комплексларини белгиланган талаб ва стандартларга мувофиқ зарур спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан ўз вақтида жиҳозлашни, шунингдек болалар, айниқса қизлар, ижтимоий мададга муҳтож оилалардан бўлган ўқувчиларни оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида улар учун спорт формалари ва жиҳозларини харид қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўз вақтида келиб тушишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ажратилган маблағлардан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳудудий бўлимлари мақсадли фойдаланиши ва болалар спорти иншоотлари қурилиши объектларида харажатлар сметасига амал қилишини текширишни таъминласин ва олиб борилган ишлар тўғрисида Жамғарманинг Васийлик кенгашига ахборотнома берсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабр

## ГЎЗАЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

***Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов муборак 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган адабий кечада ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, талаба ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шоир юбилейи муносабати билан йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Унда шундай дейилади: "Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ сана – муборак 70 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Эл-юртимиз Сизни бир умр эзгулик ва гўзалликни, халқимизнинг озодлигини, унинг олижаноб фазилатларини юксак маҳорат билан тараннум этган ҳассос шоир ва таниқли жамоат арбоби сифатида билади ва эъзозлайди. Сизнинг нафис ва дилбар ғазалларингиз, ёрқин тафаккур руҳи билан йўғрилган шеър ва достонларингиз, драматик асарларингиз, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан қилган таржималарингиз китобхонлар қалбидан чуқур жой эгаллаб, халқимизнинг маънавий мулкига айланиб қолгани айниқса эътиборлидир.

Сиз бундан буён ҳам ўз фаолиятингиз билан адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, доимо ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман".

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева ва бошқалар Эркин Воҳидов асарлари адабиётимизни бойитишга, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

- Юртбошимизнинг самимий табриги қалбимни ҳаяжонга тўлдирди. Бу шеъриятимизга, адабиёт ва санъатимизга Президентимиз кўрсатаётган катта эътиборнинг яна бир намунасидир. Бундай ғамхўрлик ҳар қандай ижодкорни, жумладан мени ҳам халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилишга руҳлантиради, - деди Эркин Воҳидов.

Кечада Эркин Воҳидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради, драматик асарларидан парчалар ижро этилди.

**(ЎзА)**




*Нишон Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти корхонаси қайта таъмирланиб, тезкор технология асосида ишлай бошлагандан кейин меҳнат унумдорлиги ошди, ишчиларнинг манфаатдорлиги яхшиланди.*

***Суратда: илғор ишчи Мейлихол Санақулова***

***Ш.Султонов олган сурат***

### Афоризм

***Бахтли бўлиш учун бахтга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Чунки ўша бахтга лойиқ ҳам бўлиш керак.***

**Журналнинг янги сони**

***«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги 4-сони, асосан касаба уюшмалари фаолиятига бағишланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Д. Жаҳонгированинг «Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида меҳнат миграцияси ва бандлик муаммолари» сарлавҳали инглиз тилида чоп этилган мақоласида давлатимизнинг миграция сиёсатини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, меҳнат қилувчи муҳожирларни касаба уюшмаларига жалб этиш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида гап боради.***

## КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Содиқовнинг «Касаба уюшмалари ва халқ дипломатияси» мақоласида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган тубислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланаётган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз ҳамда маънавиятимизни тиклаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлиги таъкидланади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси А. Ғуломовнинг «Ислоҳотларга ҳамоҳанг фаолият — устувор вазифа» мақоласида касаба уюшмалари кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида одамлар онгида демократик қадриятларнинг шаклланишига ҳамда давлат билан халқ ўртасида манфаатлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи институтга, ёлловчилар билан ёлланувчилар ўртасида ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларининг маърифий ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминловчи оммавий жамоат ташкилотига айланиши лозимлиги ҳақида фикр юритилади.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Т. Назаржонов ўзининг «Ижтимоий ҳамкорликнинг самараси» сарлавҳали мақоласида қонунчиликни қўллаш борасида айрим таклиф-мулоҳазаларни билдирган.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тадқиқотчиси Ғ. Зунунов «Фуқаролик жамияти сари» мақоласида мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида сиёсатимизнинг моҳиятини, амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини, янги ҳаёт қуриш йўлидаги эзгу-интилишларимизни халқимиз ичида ҳаёт ҳақиқатига таяниб тарғиб қилиш — ҳар бир ватанпарвар фаолимизнинг вазифаси бўлмоғи керак, дейди. Дарҳақиқат, XXI асрнинг бошида республикамизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда касаба уюшмаларининг муносиб ўрни бор. Мақола муаллифи меҳнаткашларнинг ҳимоячиси деб саналган касаба уюшмаларининг фаоллари яқин келажакда давлатимизнинг замонавий қаҳрамонлари сафида бўлишига умид билдиради.

Журналда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир мақолалар ҳам бор.

— Касаба уюшмалари ҳам меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда аёллар учун ихтисослаштирилган иш ўринлари ташкил этиш, бунинг учун қисман бандлик ва касаначилик имкониятларидан фойдаланиш масалаларини ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, касаба уюшмалари хотин-қизларни уюшма аъзолигига жалб этиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларида аёлларнинг вакиллигини таъминлаб, касаба уюшмалари қошида ўз дастурларига эга бўлган аёллар комиссиялари ташкил этилишига ҳам эришмоқдалар, —дейди Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. Муҳиддинова ўзининг «Ўзбекистон хотин-қизларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг роли» мақоласида.

Шунингдек, журналдан суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида ҳам бир қатор мақолалар жой олган.




Юристлар малакасини ошириш Республика Марказининг халқаро ҳуқуқ нормалари кафедраси мудири Б. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходими Н. Мухторов ўзларининг «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: «Хабеас-корпус» институтининг яратилиши» мақоласида таъкидлашганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг бугунги босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг мустаҳкам кафолатларини барпо этишга эътибор қаратилаётган бир шароитда бу борадаги хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўйлаймизки, журналнинг ушбу сони барча ҳуқуқшунослар, касаба уюшмалари фаоллари иш фаолиятида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**Довуд МАДИЕВ, «Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган Янги - 2007 йил билан чин дилдан самимий муборакбод этади! Янги йил ҳар бир хонадонга файзу барака, омад ва бахт келтирсин! Кириб келаётган йилда юртимиз аҳлига мустаҳкам соғлиқ, касбий фаолиятида юксак ривожланиш, оилавий хотиржамлик, қалбидаги орзулари рўёбга чиқишини тилаб қолади.*

## Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат

# «ХАЛҚ БАНКИ»



*Мамлакатимизнинг барча фуқароларини Қурбон ҳайити ҳамда яқинлашиб келаётган 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» билан самимий муборакбод этади. Янги йилда оилангизга тинчлик-хотиржамлик ва омад тилайди.*

*Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.*

*Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.*

Ўз навбатида турмуш фаровонлигингизни янада оширишда банкнинг «Оила фаровонлиги» истеъмол кредитидан фойдаланишни

**ТАВСИЯ ЭТАДИ**

Бунда Сиз:

* Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш;
* Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
* Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
* Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаниш;
* Республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш ва бошқа имконият ҳамда қулайликларга эга бўласиз.

Шу билан бирга банкнинг «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, ёқилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз ҳамда исталган вақтда банк филиалларидан нақд пул олишингиз мумкин.

**ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ!**

